



audit alfa

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

ANDIJON SHAHAR

“Audit-ALFA” MCHJ

auditorlik tashkiloti

Andijon sh A.Navoiy shox ko'chasi 35-uy

INN-306986446 x/r 20 208 000 905 157 221 001

AT Invest Finans Bank Andijon Viloyat filiali MFO-01114

№ 16

«18» апрель 2025 йил

«ANTEKS» акциядорлик жамиятининг 2024 йил 01 январдан 2024 йилнинг 31 декабрга кадар булган давридаги молиявий-хужалик фаолияти юзасидан утказилган аудиторлик текшируви натижаларига кура ижобий билан фикр билдирилган
А У Д И Т О Р Х У Л О С А С И

Ўзбекистон Республикаси Андижон вилояти Андижон шаҳар Давлат хизматлари марказида 2020 йилнинг 20 августда 795679-рақам билан қайта рўйхатдан ўтган, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг аудиторлик фаолияти юритиш ҳуқуқини берувчи 2020 йил 22 январдаги 00839-сонли лицензияга эга бўлган МЧЖ «AUDIT-ALFA» аудиторлик ташкилоти «ANTEKS» акциядорлик жамияти билан 2025 йил 14 апрелда тузилган 16-сонли шартномага асосан 2024 йил 1 январдан 2024 йил 31 декабрга қадар бўлган даврлар молиявий фаолияти аудиторлик текширувидан ўтказилди.

Аудитор Н. Курбонова (Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг малака сертификати № 06353) томонидан «ANTEKS» акциядорлик жамиятининг 2024 йил 31 декабрь ҳолатига тузилган «Бухгалтерия баланси», «Молиявий натижалар тугрисида»ги ҳисоботларининг ишончлилиги мажбурий тарзидаги аудиторлик текширувидан утказилди.

Бизнинг фикримизча, молиявий ҳисоботлар «ANTEKS» акциядорлик жамиятининг 2024 йил 31 декабргача бўлган молиявий ҳолатини, кўрсатилган санада тугаган йил мобайнида унинг молиявий натижаларини ва пул оқимларини барча муҳим жиҳатларда бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига (БХМС) мувофиқ ҳаққоний акс эттиради.

Ижобий фикр билдириш учун асос.

Биз Аудитнинг халқаро стандартларига (АХС) га мувофиқ аудит ўтказдик. Бизнинг ушбу стандартлар бўйича жавобгарлигимиз ушбу ҳулосанинг “Аудиторнинг молиявий ҳисоботни текшируви бўйича жавобгарлиги” бўлимида батафсил ёритилган. Биз жамиятдан мустақил равишда Бухгалтерлар учун халқаро ахлоқ стандартлари Кенгашининг (БХАСК) “Профиссионал бухгалтерлар учун ахлоқ” Кодекси талабларига ва ахлоқий қоидаларига, ҳамда ушбу талабларга ва БХАСК Кодексида белгиланган бошқа мажбуриятларни бажарганмиз. Биз олган аудиторлик далиллари ижобий фикримизни ифода этилишини тасдиқлаш учун етарли ва ўринли деб ҳисоблаймиз.

Аудитнинг муҳим масалалари

Аудитнинг муҳим масалалари- ушбу масалалар, бизнинг профессионал мулоҳазамиздан келиб чиққан ҳолда жорий давр учун молиявий ҳисоботни текшириш учун энг муҳим бўлган масалалардир. Ушбу масалалар молиявий ҳисобот аудитида кўриб чиқилган ва биз ушбу масалалар бўйича алоҳида фикр билдирмаймиз.

Молиявий ҳисобот учун раҳбарият ва корпоратив бошқарув ваколатига эга шахсларнинг жавобгарлиги

Рахбарият молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тўғри тақдим этиш учун, БХМСга мувофиқ фирибгарлик ва хатолик туфайли жиддий бузиб кўрсатилган молиявий ҳисоботларни тайёрлаганлик учун, ҳамда рахбарият томонидан қабул қилинган ички назорат тизими учун жавобгар.

Молиявий ҳисоботни тайёрлашда рахбарият корхона фаолиятининг узлуксизлини баҳолашга, зарур ҳолларда узлуксиз фаолият билан боғлиқ бўлган ахборотларни ошкор этиш ва фаолият узлуксизлиги таҳминига кўра ҳисобот беришга жавобгар, агарда рахбарият томонидан корхона фаолиятини тугатиш, фаолиятни тўхтатиш ёки бошқа ҳолатлар мавжуд бўлмаса.

Корпаратив бошқарув учун масъул шахслар корхонанинг молиявий ҳисоботларини тайёрлашни назорат қилиш учун жавобгардир.

Молиявий ҳисобот аудити учун аудиторнинг жавобгарлиги

Бизнинг мақсадимиз молиявий ҳисоботлар фирибгарлик ва хатолик туфайли бўладиган жиддий нотўғри кўрсаткичлардан ҳоли эканлигига ишонч ҳосил қилиш, ҳамда аудиторлик фикрини аудиторлик ҳулосасида акс эттириш. Ақлли ишонч ишончнинг юқори даражаси бўлиб, АХС ларга мувофиқ ўтказилган аудит ҳар доим ҳам мавжуд жиддий хатоларни аниқлай олишга кафолат эмас. Фирибгарлик ёки хатолик туфайли бузиб кўрсатишлар юзага келиши мумкин, ушбу бузиб кўрсатишлар ягона ёки жами бўлиб молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар иқтисодий қарорларига таъсир қилиши мумкин бўлса, муҳим ҳисобланади.

Аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ аудитнинг бир қисми сифатида биз бутун аудит давомида профессионал мулоҳаза юритамиз ва профессионал скептицизмни қўллаймиз. Бундан ташқари биз қуйидагиларни бажарамиз:

- фирибгарлик ёки хатолик туфайли молиявий ҳисоботнинг жиддий бузилиши хатарини аниқлаш ва баҳолаш, ушбу хатарларга жавобан аудиторлик амалларини ишлаб чиқамиз ва бажарамиз, аудит фикри учун асос бўлиб хизмат қиладиган аудиторлик далилларини оламмиз. Фирибгарлик натижасида муҳим бузиб кўрсатишларни топилмаслик rischi хато туфайли муҳим бузиб кўрсатишларни топилмаслик riskидан юқори, чунки фирибгар сохталаштириш, қасддан хато қилиш, нотўғри маълумот бериш ёки ички назорат тизимини четлаб ўтувчи ҳатти-ҳаракатларни амалга оширган бўлиши мумкин;
- корхонанинг ички назорат тизимининг самарадорлиги тўғрисида ўз фикримизни билдириш учун эмас, балки вазиятга мос келадиган аудиторлик тартиб-таомилларини ишлаб чиқиш мақсадида, аудитор тадбиркорлик субъекти ўз молиявий ҳисоботларини тайёрлаши ва ҳаққоний тақдим этиши билан боғлиқ бўлган ички назорат тизимини кўриб чиқади⁴;
- қўлланилаётган ҳисоб сиёсатининг мақбуллиги ва тадбиркорлик субъекти рахбарияти томонидан ҳисоблаб чиқилган баҳоларнинг асослилигини баҳолашни, шунингдек молиявий ҳисоботларнинг ифодаланишини баҳолаш;
- бухгалтерия ҳисоби ва бошқарувдан олинган аудиторлик далиллари асосида, корхонанинг фаолиятни узлуксиз давом эттириш қобилиятига жиддий шубҳа тўғдириши мумкин бўлган воқеалар ва ҳодисалар билан боғлиқ муҳим ноаниқликлар мавжудми ёки йўқлиги тўғрисида, рахбарият фойдаланиши мақсадга мувофиқлиги тўғрисида ҳулоса қиламиз. Агар биз муҳим ноаниқликлар мавжуд деган ҳулосага келсак, аудит ҳисоботида молиявий ҳисоботдаги ноаниқликларни ёритиб беришга эътиборимизни қаратамиз ёки ноаниқликларни ёритиб бериш имкони бўлмаса аудит фикрини ўзгартирамиз. Бизнинг аудит ҳулосамиз олинган аудиторлик далилларига асосланади. Келажакдаги воқеа ва ҳодисалар корхона фаолиятининг узлуксизлигига таъсир этиши мумкин.
- биз молиявий ҳисоботнинг тақдим этилишини, унинг тузилиши ва таркибини, шу жумладан маълумотларнинг ошқор қилинишини ва молиявий ҳисобот асосий операциялар ҳамда ҳодисаларни ишончли тарзда тақдим этишини баҳолаймиз.

Биз Корпаратив бошқарув учун масъул шахслар билан аудитни режалаштириш, аудит ўтказиш вақти ва аудитда аниқланган муҳим камчиликлар, шу жумладан аудит давомида аниқланган ички назоратдаги ҳар қандай камчиликлар тўғрисида алоқа қиламиз.

Биз шунингдек Корпаратив бошқарув учун масъул шахслар аудитнинг мустақиллигига тегишли барча ахлокий талабларга риоя қилинганлиги тўғрисида баёнот берамиз ва ушбу шахсларга аудитнинг мустақиллигига таъсир қилиши мумкин бўлган барча муносабат ва масалалар тўғрисида хабар берамиз.



Биз Корпаратив бошқарув учун масъул шахсларга хабар килинган масалалардан жорий давр молиявий ҳисоботи аудитида энг муҳим ва аудитнинг асосий масалаларини аниқлаймиз. Биз ушбу аудитнинг асосий масаларини аудит ҳисоботимизда ёритамиз, ушбу масалалар тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилиниши конун ёки бошқа ҳужжатлар билан тақиқланган ҳоллар бундан мустасно, ёки биз камдан-кам ҳолларда ушбу масалаларни ошкор қилмаслик керак деган хулосага келамиз. Чунки бундай ахборотнинг салбий оқибатлари ижобий оқибатидан ошади деб тахмин қилиш мумкин.

Бошқа конун ва тартибларга мувофиқ ҳисобот

- Ўзбекистон Республикаси “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги” конунинг 6 моддаси билан белгиланган бухгалтерия ҳисобининг асосий томоилларига риоя этилган, хўжалик операциялари назорати, ҳисоб-китоб ҳужжатларини сақлаш тегишли тартибда амалга оширилмоқда.

- Қонуннинг 8-моддасига мувофиқ бажарилган ишлар ва хизматлар қабул қилиш ва етказиб бериш учун асос бўлиб хизмат қиладиган бирламчи ҳужжатлар, бухгалтерия ҳисоботлари раҳбар томонидан ёки у белгиланган мутасадди шахслар томонидан имзоланмоқда.

- Қонуннинг 10-моддасига мувофиқ тегишли ҳисоб регистрлари юритилган ва ушбу модданинг 3-бандига мувофиқ ҳисоб регистрларига тузатишлар киритилмаган.

Молиявий ҳисоботлар конуннинг 19- моддасига мувофиқ тарзда белгиланган муддатларда тақдим этилмоқда.

МЧЖ «AUDIT-ALFA» аудиторлик
ташкilotи директори, аудитор:



Н. Курбонова